




Ёшлар ишлари агентлигининг электрон платформаларида фойдаланиш учун
SMS-хабарнома хизматини харид қилиш
ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Тошкент 2022 йил



ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлик номи: Ёшлар ишлари агентлигининг электрон платформаларида фойдаланиш учун SMS-хабарнома хизматини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Товарларнинг максимал нархи: ҚҚС билан 81 000 000 (саксон бир миллион) сўм.

1.5. Етказиб бериш муддати: шартнома шартларига кўра.

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари хисобидан.

2. Техник талаблар

2.1. Ёшлар ишлари агентлигининг электрон платформаларида фойдаланиш учун SMS-хабарнома хизматини харид қилиш учун техник вазифа:

Хизматнинг асосий иш тури: Ёшлар ишлари агентлигининг электрон платформаларида фойдаланиш учун SMS-хабарнома хизматини амалга оширилиши керак. Ёшлар ишлари агентлиги битта компания кўринишида хизматни кўрсатувчи компаниядан 24 соат давомида техник қўллаб-қувватлаш хизматини олиши ҳамда ушбу хизмат ўз ўрнида барча Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган мобиль операторлари билан иш юритиши талаб этилади. SMS-хабарнома 1 800 000 (бир миллион саккиз юз минг) донани ташкил қилиши ҳамда 1 дон SMS-хабарнома нархи 45 сўмдан ошмаслиги лозим;

Буюртмачининг электрон платформалари фойдаланувчиларининг сўровига кўра абонентнинг жойлашган жойдан қатъий назар, мобил алоқа рақамига SMS-хабарномани жўната олиши зарур. SMS-хабарнома жўгатилган даврда етказиб берилмаган тақдирда (абонент хизмат доирасидан ташқари бўлганида ёки телефон аппарат ўчирилган бўлса) абонент хизмат доирасига кириши билан ёки телефон ёқилганидан кейин етказиб берилиши лозим;

Ёшлар ишлари агентлигига ҳар бир юборилган SMS-хабарномани ҳолати юзасидан (етказилганлиги ёки етказилмаганлиги) онлайн равишда маълумот олиб туриши керак. Ҳар бир юборилган SMS-хабарнома тўғрисида онлайн равишда маълумот кўриб туриш имконияти бўлиши лозим;

Платформа 1 сонияда 50 тадан 150 тагача SMS-хабарномани юбориш имкониятига эга бўлиши лозим;

SMS-хабарномани юбориладиган тўрт рақамлик қиска рақам ўрнига, ташкилотимизни номига ўзгартирилган бўлиши лозим;

Буюртмачининг ускуналари SMS-хабарномани узунлиги 160 символдан кўпроқ бўлган тақдирда иккита SMS-хабарнома қилиб жўнатиши лозим.